

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУФБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

УМАРАЛИ НОРМАТОВ

ҚАҲҲОРНИ АНГЛАШ
МАШАҚҚАТИ

Тошкент – 2000

АННОТАЦИЯ

Абдулла Қаҳҳор ижоди ўрта ва олий таълим тизимида кўп йиллардан бўён ўрганилади. Аммо давр талаблари туфайли адаб ижодини идрок этиш ва баҳолаш мезонлари ўзгаришларга учради. Таниқли адабиётшунос проф. Умарали Норматов ушбу рисоласида Абдулла Қаҳҳор ижодининг замонлар синовига дош бера оладиган жиҳатларни тадқиқ этган. Китоб етмиш ёшини кутиб олаётган иирик олимнинг муҳаббат ва шавқ билан олиб борган илмий изланишлари мевасидир.

Муаллиф :

проф. У. НОРМАТОВ

Масъул муҳаррир:

проф. Н. БЕКМИРЗАЕВ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети, Ўқув Методик кенгашининг 2000 йил 23 февралдаги мажлиси қарори билан нашрга тавсия этилган (7 – сонли баённома).

Босилига рухсат этилди 31.10.2000. Ҳажми 3,5 босма габок.
Бирчани 60x84 1/16. Адади 200 нусха. Буюргича 991
М.З.гулбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети
босмаконасида чон этилди.

КИРИЛ

Абдулла Қаҳҳор XX фер узбек адабининг ёрқин, забарласи сиймолариданadir. У ўнга миллий адабисини шининг иккитчи авлоди саналмиши Ойбек, Г. Ғулом, Ҳ. Олимжон, Мирзумиро-муроди турниб изоди этди. Бу авлод зиннасиг А. Қодирий, Чўлион, Фиграт каби буюк сиймолар боинлаб берган ўнга миллий адабиет карвонини ўти мураккаб ва зиддиятли бир давр талотумларни гирдошибдан олини ўтиш масъулияти тушди. Сафдошлари каби А. Қаҳҳориниң қизиги изодий фолиати XX асрнинг ин фожеавий нааласидаги мудхини 30 – 50 – йиллар шароитида, мустаабид якка ҳоким мағқура, совет адабий сиесати таъсири ва тазиёти остида кечди. Бу ҳол ёзувчиининг изодий тақдирнида талай нохун асоратлар қолдирди. Айни пайтда Аллоҳ берган беназир истегъидод, ноеб шахсий фазилатлар – ўзига хос ўткир нигоҳ, фуқаролик туйтуси, қатъият, иродиа – бардоши, ҳақгўйлик, ҳалоллик ва шижоат туғояли замонаси талотумларидан юқори кўтарили олди. Адабининг дилабар ҳикоялари ўнга катта шуҳрат келтирди, «Синчалак» «Ўтмишдан эртаклар» қиссалари, «Сароб», «қўшчинор» романлари, «Шоҳи сўзана», «Тобутдан товуш» комедиялари, ўнлаб ўткир публицистик чиқишлари, адабий – тақиидни мақолалари, заргарона таржималари аср адабиети, маънавий – маданий ҳасти тарихида ёрқин ва ўчмас из қолдирди.

А Қаҳҳор шўро даврининг тутруқсиз мунофикаона адабий сиесатини, ҳам «сийлов», ҳам лағдага – ю таъқибларини татиб кўрган адабларданadir. Бир томондан, ўнинг қатор асарлари ўз даврида юксак баҳоланди, дарсликлардан жой олди, кўплаб хорижий тилларга таржима этилди: адаб Иттифоқи ва Республика давлат чукофотлари, ҳукуматининг юксак орденлари билан тақдирланди, Республика Олий советига денгутат, Езувчилар союзига раис бўлди; ўнга Ўзбекистон Xалқ езувчиси фахрий унвони берилди. Айни пайтда ўтиборга сазовор Амирли барча асарлари теварағига и淨во – фигтидан иборат манишалар уюштирилди: «Сароб», «Қўшчинор», «Синчалак», «Тобутдан товуш» устида бўлган мухокама, баҳслар оддий адабий мунонзаралардан кўра мағқуравий – сиёсий сунъясидни эслатади. Баъзан арzon шуҳратиарастлик, оникора ғаразгўйлик, баъзан сиёсий демагоглик, баъзан эса тўғридан – тўнри жаҳолат натижаси бўлган бундай тақиидлар ёзувчиининг дилига қанчалар озор етказгани, умрини этов бўлиб кемиргани, изодий қисматида нохун асоратлаар қолдиргани аён. Айниқса ёзувчининг сўнги ўн йиллик ҳасти таъзиқлар ва мардона курашлар гирдошибда кечди. Поми шубҳали шахс сифатида «қора рўйхат»ларга тушди, адабининг ўзи қолиб часлақлош – сафдошлиари, яқин кишинари, шогирдлари ҳам ҳар ки йўллар билан таъкиб, тазиёти остига олини.

А Қаҳҳорининг изодий мероси XX аср ўзбек адабиетидаги реализм риояжининг ўзига хос бир ўзиниши, алоҳида босқичини ташкил этади. А Қаҳҳор реализм XIX аср Осирия адабиети, биринчи галда рус адабиети класиклари таъсирида, XX фер биринчи ярми ўзбек халқи ҳасти замонидаги шаклланган бетакорр адабий ҳодисадир. Реализм ақидаларига садоҳига оқибати бўлсан керак, очувчи бугун изоди давомидаги ўзи кўрган, шоҳинч бўлинган воқеалар, ўзига замонидаги кишинлар ҳасти ҳақида ёзди. Бир томондан,

шаро мақтабида, пионер комсомол, компартия гафлариди тарбияланған, шеро идераларида, матбуготида ишләган, 20-иилләрдигүн сифати кураш жаһындарыда шахси сифатида тақланаған, иккинчи томондан, А. Гоголь, И. Тургенев, Достоевский, Писарев, Ж. Лондон каби буюк реалисттардан адабий сабак олған, айниқса Гоголи билди Чеховиниң үзү учун мұаллим, устөз деб билған адіб ижодида таройиб бир ҳолат – мағкуравий асос билан реализм, уннан биш принциплари орасынан қандайдир номувофиқицканда иборат зиддият мавжуд. Бундай ички зиддият жарапеніда күшинча реализмнинг сөхрәли күчі таңтана қылады. А. Қаҳхор ижоди меросининг үзінгә хос инг мұхым ва қимматны жиҳати ана шунда.

Абдулла Қаҳхор ҳаєти ва ижоди адабиётшыносликда көні үрганилған, юзлаб мақолалар, рисола, монографиялар әзилған; А. Алимұхамедов, П. Құдиров, М. Құшжонов, С. Соидқов, Р. Құчқоровининг докторлық ва номызданған диссертациялари қаҳхоршыносликка құшилған мұхым ҳисса сифатида ғытыроф этилған. XX асрнинг ўрталарида битилған Ҳ. Екебионининг «Абдулла Қаҳхор новеллалари», А. Алимұхамедовининг «Абдулла Қаҳхор ҳикояларыда психология тасвир» мақолалари ҳануз үз қимматини йүқтөттәнүйттік. Замондошлар Ойбек ва Ҳ. Олимжон уннан миалдің ҳикояцилик ривожидағы хизметтеги іюскак баҳо берғанлар. Адіб ижоди, шахсий фазилатлары хориждагы қатор машхур езувчи ва адабиётшынослар зәтибориниң үзінгә тортған А. Қаҳхор ижодини тәдқиқ ва тарғиб қилиніда айниқса О Шарағиғиддинов да М. Құшжоновининг хизметтәри өткіншілдік.

Қайта қуриш ва ошкоралық даври деб аталаған 80-иyllардың истиқолодан кейин А. Қаҳхор ижодий меросини қайта бағолауша, танқид әлагидан үтказишига уринишлар бўлди. қатор нозик кузатиши, янгича таҳлил, талқинлар билан бир қаторда жиадай биреклемалылар ҳам юз берди. Энг ёмени бир вақтлар шўролар даврида кўп ноҳуи оқибатларга олиб келган «вульгар социологиязм» кўринишлари үзгача қиёфада памоеи бўлди, езувчи ижодининг мағкуравий жиҳатларига епишиб олиб байдиятни назар – писанд этмаслик, асарлари қимматини ёппасига инкор этиш ҳолларига дуч келдик. А. Жабборов, Сувон Мели, Ҳ. Каримов каби мұнаққидлар, езувчи О. Отаконов, Ш. Холмирзаев чиқишиларыда, ҳатто зукко адабиётшынос Р. Құчқоровининг «Сароб» ҳақидағы ишларда шундай ҳоллар содир бўлди.

А. Қаҳхор адабиётни касб әмас, санъет, күнгіл иши деб билар эди. У ҳақли равишда сўз устаси – санъеткори деб тан олинған эди. Бу борада у үзінгә ҳам, ўзғаларга ҳам инхоятда талабчан эди. Асар маттии устиди заргарона мөхнат қыларди «Мен әзилған жумлани, ҳарто саҳиғанни ҳам устидан туздотолмайман, – деб әзади у бир хатта жавобида – Жумла, ҳарто бутун бир саҳиғадаги бир сўзини ўчириб, ўринига бошқа иши әзини учун бошқа қоризга ўша жумла, ҳатто саҳиғасини кўчириб сазачан. Бир саҳиғани ўрга ҳисоб билан 15 – 16 марта кўчираман, шубҳасиз, ҳар сағар саҳиғата сайқал бераман».

А. Қаҳхор ҳам сўз санъеткори, ҳам шахси, кодирини ибораси билан айтганда «шашси бутуни» зор сифатида замондошларни орқи ими зўр қизиқиш, катта охтиром уйғоттан, ерқин таассуротлар қодирлан аломат сиймодир. Салқам олтмин мұаллиф хотираларидан ташкил тонган «Абдулла Қаҳхор

замондошлари хотирасида» китоби. Кубрие Қаҳхорованинг «Чорак аср ҳамнағи», Синд Аҳмаддининг «Блакасини ҳақиқат силаган ижодкор» асарлари ХХ аср ўзбек адабистидаги шу жонрининг энг сара наимоналиридандир.

Ниҳоят, Абдулла Қаҳхор шахсияти, унинг ҳаёт ва ижод йўли, асарларининг ижодий тарихи ҳақидаги коят ноёб ва ишончни маълумотгафии адабининг ўз асарларидан, мақола, сұхбатларидан олиш мумкин «Утмишдан әртаклар», «Озигина ўзим ҳақимла», «Ҳаёт ҳодисасидаи бадиий тўқимага», «Мактабошлар», «Сұхбат» шулар жумласидандир Эҳтимол, ўз сафдошлари орасида ўзи, ижоди тўғрисида энг кўн ва хўб маълумот қолдирган адаб шу Абдулла Қаҳхор бўлса ажаб эмас.

I. МУРАККАБ ВА МАРДОНА ҲАЁТ ЙЎЛИ

Адабининг таржимаи ҳолида ва бошқа шахсий хужжатларида қайда этилишича, Абдулла Қаҳхор 1907 йил кузда чоршанба куни 17сентябрда Кўқонини Кўмир бозори маҳалласида туғилган.¹

Адабининг болалиги қўйоп шаҳри ва унинг атрофидағи Яйсан, Нурсуҳ, Кудаш, Бувайда, Толлиқ, Олқор, Юлғунзор, Оққўргон қишлоқларида ўтган Отаси Абду Қаҳхор асли ҳозирги Тожикистонининг Ашт қишлоғидан бўлиб аср боғларидаги акаси уста Абдураҳмонга эргашиб Кўён шаҳрига кўчиб келган, ота касби темирчилик билан шуғулланган Абду Қаҳхор мустақил оила тебратишни илинжида бўлса керак, шаҳарни тарқ этиб бир неча йиллар қишлоқма – қишлоқ кўчиб юрган Онаси Роҳатой Абдулладан оддии ва кейин түққан саккиз боласини қора ер бағрига бериб юрак олдириб қўйгани учун бу ўғлини еру кўкка ишонмай, кўз ўпгидан бир қадам жилгани қўймай авайлаб опчилайди Бироқ онланинг бу ёлеиз арзандага фарзанди кўз очиб, эсими таниб турмушининг ҳадсиз хўрлик, шафқатсизликларини кўради. Айниқса дарбадар, кўчманчи ҳаёт, таҳқири падоматлар гўдак кўнглига оғир ботади. «Бир қишлоқда болаларга эди қўшилиб ўртоқ ортирганимда, бошқа қишлоққа кўчиб, яна «кўчманичининг боласи, келгиндининг боласи» бўлиб қолар эдим. Бу ташлар қаттиқ ҳақорат ўйсишида айтилар эди, – деб эслайди адаб таржимаи ҳолида. – Бир куни кечқурун маҳалла болалари илонни кўрган чумчукдай атрофиимда чуғурлашиб турганда, кузатиб турган бир мўйсафида менга раҳм қилган бўлиб: «қўйинглар, болалар, тегманлар, келгинди бўлса ўзи бўлибдими, худо қиласон», – деди Мўйсафидининг бу гапи менга болаларининг таънасидан ҳам қаттиқроқ тегди, узоқ йиллар дилимда чўкиб етди Билалдим, нағари қалай эканман, лекин назаримда менни шу гап индамас қилиб қўйди Уйда менга «индамас», «ичимдан топ»

¹ А. Қаҳхор билан шахсий сұхбатда туғилган эжори. Йили ва кунининг қанчалик аниқлиги хусусиде сураганимда у «Бу ҳақда тегинчали гувоҳнома ийӯқ Отам қўйконида янаган уйимни лайвонининг устунига сафкор қалам билан «Абдулла қўй йили сұмбулданинг охирини чоришпебасида туғилдан». – деб ёзиб қўйтган экан Ҳағайтб бўйим чўзилган наий ўз қўзим билан кўргани, ўқиган ўна езув хотирасида қолган Кенинчалик бу маълумотни мактабдоми дўстим академик М. Ҳрибоев ордамида ошиқлаб кўрсан, они шу сана – 1907 йил 17 сентябр бўлиб чиқди. – деган эди

Леб дашиюм берадиган бўлиниди Бунака таънида – дашиючлар мени багттар «соқон» килар димо» Бу мурғак озордийда қалб энди «индамас» деган таънидан қутулиш учун одамлардан, ҳатто ўз аясидан ҳам мумкин қилади.

Факат шуларгина эмас. қўли қисқалик, йўқчилик туфайли оиласда юз берадиган дилсанеҳликлар, одам боласи дош берини мумкин бўлмаган ночор турмуш шароитлари, қўни – қўйинилар, одамлар орасидаги дарал, бешифқат муносабатлар, юртда авж олган жаҳолат унинг ҳар қадамдаги ҳам кулили, ҳам мудҳизи оқибатлари, бири – биридан азиҷли, фожейи қисмат, саргузаштлар – Абдулла дунега келиб ана шундай мухит. шароитда эсини таниди «Ўтмишдан эртаклар»да езувчи ўша болалик йиллари манзараси чоҳиятини «кунлар ғурбат билан боилишиб, ғурбат билан тугарди» деган биргина жумлада жуда ёрқин, таъсиричи очиб берган Айни шу ғурбатга тўла дарбадар ва мунгли ҳаёт таассусотлари мурғак Абдулла кўнглида илк бор ўзига хос мунгли қўшиқка айланади, аниқроғи кўнглидаги ҳасратлар қўшиқ бўлиб отилиб чиқади Ёзувчинини эътироф этишича, унинг илк бор кўнглида туғилган қўшиғи – «ижоди» айни шу мунгли кечинмалар ҳақидадир. Демак, мана шу шафқатиз ҳаёт Абдулла езувчи бўлиб этишиувиди музҳим омил ролини ўтади. Койинчалик у қўлига қалам олганида бот – бот болалик хотираларига мурожаат этиши. ўтмиш ҳақидаги асарларининг маломатлар, кам – гуссалар билан йўғрилганлиги сабаби ана шунда

Абдулла характерининг шакланишида отасининг таъсири катта бўлган. Уста Абду Қажхор қўли қисқа бўлишига, дарбадар ҳаёт кесчиришига қарамай ўзига хос мағрур, назари тўқ, инсонлик шаъини баланд тутадиган саводди, тадбиркор одам эди: «дадам биронинг кўлидан битта ёнгоқ ҳам олдиримай ўстирган» леб ёзди адаб мамнуният билан. Абдуллагага илк саводни отаси берган, китобга ҳавасни ҳам отаси уйғоттан. Адабининг эслалича, отаси китобга ниҳоятда ишқибоз бўлиб, деярли ҳар куни ишдан кейин уйдагиларга қизиқ китоблар – ҳар хил жангномалар, «Дилли ва Мухтор», «Баҳори дониш», «Бобо Равшон» каби асарларни ўқиб берган Абдулла муддат эскича усуладаги мактабда ўқииди. ҳат ташииди, сўнг Оққўрғонда Муҳаммаджон қори деган очиқ фикрли одамнинг янгича усуудаги (усули жадидия) мактабида ўқишини давом эттиради, «куръони Карим»ни «Таборак» сурасигача ёд олади Жадид матрифатчиларининг дарслекларидан таълим олади. Беҳбуний, Абдулла Авлоний, Таналло, Сўғизода. Сидқий адабиетлари билан танишади. ўша жадид муалими Муҳаммаджон қори ёзувчи шахсий ҳаётидаги чуқур из қолдирган, адаб бир умр у киши билан илик муносабатда бўлади. «Ўтмишдан эртаклар»нинг энг нурли бўбинон шу одамга бағишлайди. Адаб васиятига кўра ушин жанозасини шу одам ўқиган! Абдулла Қажхорнинг матбуотда чиқсан ой кўйиш воқеасига бағишланган илк шеъри, кўпраб ҳаёнивий асарлари илк жадид адабиетига хос жаҳонат, қолоқ урф – одатлар ташкидига қартилишнинг ҳам бежиз эмас.

Бу орада улакада инқилобий олғов – дарబадар бошалашинб кетади Абдуллалар оиласи қўйонга кўчиб келади. Оиласини кучманичи – дарбадар

дастар барҳам топади. Оиланинг хир бир аъзоги мудхини 1918 ишлар оғаси ишларни сўнг қўйон ҳаробалари орасидан унга йўл қидирилди – оғаси Роҳатой низами заводига ишина жойлашади, оғаси гөмірчилик артенида ишланиди, орадан кўп ўтмай ихтиерий равишда қизил аскарликка езилади. Сунн машҳур наргизан Мелибон Абдуллаевинг оператив оғридига унади Абдулла дастлаб шўро мактаби «Истиқол»да, ундан кейин интиратда, сунн «Коммунисто мактаби»да ўқиши. ўзбек билим юргинин «Намуна – тадбиғот» мактабида, ниҳоят билим юргининг ўзида ўқишини давом эттиради Билим юргидаги таълим кўп жиҳатдан унинг келажагитни белгилаб берди. Бу сорда бирга ўқиган мактабонлари орасидан кейинчалик фашнинг турли соҳалари бўйича улказ олимилар ва раҳбар ходимлар /М. Ўразбоев, М. қулматов, Т. Зоҳидов, Й. Тошшўялов, Ф. Шамсиддинов, йетишиб чиқди Абдулла эса ношириликка, журналистика ва адабиетта мойиллик билдириди Мактабда Чўлонон, Рафиқ Мўмин, Ҳамза каби машҳур шоирлар билан танилди. 1924 йилдан уезд – шаҳар комсомол комитетига ишга кирди, 1925 йили Топикентга «қизил Ўзбекистон» газетасига ишга таклиф этилди «Норин шимлиқ», «Мавлон Кудур», «Гулер», «Эркабой», «Э – бой» имзолари билан матбуотда қатнианди Билим олишга бўлган иштиёқ уни ўрга Осиё давлат университетининг ишчилар факультетига бошлиди, айниқса, Гоголь, Тургенев, Чехов асарлари уни ўзига мафтун этди, буюк рус реалистлари асарлари еш қаҳҳорни «янги бир оламга, китобга эмас, ҳаёт одамларининг товуши шигардлиб, қиёфаси яққод кўришиб турган, уларниң ички дунёсини ойнадай акс ўтирган адабиёт оламига етаклади». Ени езувчи уларга эрганиб асарлар езишига уринди.

Ишчилар факультетини тутатиб қўйонда қишлоқ ўқитувчиларини қайта тайерлаш курсида муаллимлик қилди, орадан кўп ўтмай «Янги Фаргона» газетасига ишга ўтди. Ўна кезлари, айниқса, «буюк бурилини йили» деб аталган наллада еш езувчи мамлакатда авж олдирилган синфиий, мағкуравий курашлар тирдобига тушиб қолди, бу ҳол езувчининг ўзи ўтироф эттиради. Унинг учун, бир жиҳатдан, оғир кўргулик, иккиси жиҳатдан, катта мактаб бўлди «Мана шунинг натижаси бўлиб «Сароб» майдонига келди», – деб ёзди адаб таржими холида Мана шу «оғир кўргулик»нинг тағсилотлари ҳозирча фанда яхши ўрганилмаганлиги сабабли у ҳақда турли хил узунқулоқ гаплар юради. 30 – йиллари Абдулла қаҳҳоравал ўрга Осиё давлат университетинин педагогика факультетида, ундан кейин Тил ва адабиёт илмий текшириш институти аспирантурасида таълим олди. Бадиний ижод ва таржима ишлари билан астойдил шугуулана бошлиди.

1934 йими ечиб тутатган «Сароб» романни уни чинакамига элга – жамоатчиликка етук езувчи сифатида танидди. Роман республика конкурсида муроҷиатланди «Сароб»га берилган муроҷиат жумласига Совет Иттифоқи бўйлаб саҳнат ҳам киради. Шундан фоидаланган адаб Москвадаги бўлди. У вақтда китоб қаҳат эди Москвадаги эски китоб дуконларини кўп айланаб шу кунича қайси бир езувчини таъиб кўрган бўлса, гула асарлари тўпламини солиб омнига ҳаракат қиласди. У сордан Толстой, Чехов, Гоголь, Тургенев, Лермонтов, Достоевский, Белинский, Горький ж. Лондон

асарлари билан қанитади «Шундан кейин, — деб езди адаб, — Рус адалинети ҳуносига шўнишб кетдим ҳар бир ёзувчини чуқурроқ ўрганинга, унинг мағтабасини улуғ асарларини гўзал қиласи сирлардан воқиф бўлишига киришдим. Шу мақсад билан ишни Чеховдан бошиладим. Бунинг натижаси жуда тез кўринди. Шундан кейин езган ҳикояларим олдинги езган ҳикояларидан жуда котта фарқ қилиб ташқидинги баҳосига кўра, бу ҳикояларда «еркин чилигаги образлари» пайдо бўлди». Жаҳон новеллистик адабиётининг энг яхши намуналари билан бир қаторда турувчи ҳикоялар деб баҳо олган — «Анор», «Ўгри», «Бемор», «Адабиёт музаллими», «Санъаткор» каби асарлар шу тариқа майдонга келди.

Ҳикоя жаҳрида қаламини қайраб юрган ёзувчи яна йирик жаҳрига қўл урди. «Сароб»даги каби ҳаёт оқимидан четда турган кимса — бу ерда энди зиёли эмас, батрак дехқоннинг бошдан кечириғанларини тасвир қилмоқчи бўлади. 30—йиллар охириларида езилади бошлиған асар 1947 йили дунё юзини кўрди. «Қўйчинор» номи билан аталган бу роман ўша давр адабий қолилларига мос келмагани учун жиддий ташқидга учрайди; муаллиф асарни қайта ишлашга мажбур бўлади. «Қўйчинор чироқлари» номи билан чиққан роман, ташқид хуш қабул қиласи бўлса ҳам таъбимдаги китоб энис», «ўзимга боғлиқ бўлмаган сабаблар билан мақсадимга етолмадим» дейди адаб.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари езувчининг бутун фикри — еди. ижодий фаолияти фашист босқинчиларининг жинояткорона кирдикорларини фош этишига, босқинчилар билан юзма — юз тўқнашган, уларга қарши мардана жанг олиб борган оддий халқ — дехқон орасидан чиққан фронт қаҳрамонлари ва фронт ортида туриб ўзининг маънавий фазилатлари билан ўзгаларга намуна — ибрат бўлган чин ватанларварлар сиймосини яратишга қаратилади. «Барон Фон Ринг», «Бос тенкиси», «Иккининг бири», «Хи — хи...» фөльетонлари, «Дардақдан чиққан қаҳрамон», «Олтин юлдуз», «Асрор бобо», «Хотинлар» ҳикоялари мана шу интилишнинг самараларидир.

Уруш ўйлари А. Қаҳҳорининг шахсий — оиласий ҳастида ҳам ўзгаришлар бўлди Абдулла Қаҳҳор 1931 йили Зайнабхон Мирсаловна Наджбова деган татар қизига ўйланган. А Қаҳҳор билан Зайнабхон ўн йил турмуш қилишибди, оиласи икки ўғил дунега кедди Катта ўғил Пўлат техника фанлари номзоди, кичик ўғли Суяр эса Олий милиция мактабини бигириб Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармасида хизмат қиласи. Афсус, уларниш иккоби ҳам умри қисқа ёкан. А Қаҳҳор нафотидан кўп ўтмай бирин — кетин оламдан ўтди. Адабининг бу икки ўғилдан қатор набиралар қолаги.. Эр — хотин орасидаги келинномочилик туфайли 1941 йили улар ажralишлари Урушининг охириг ўйлари А. Қаҳҳор Кибrie хоним билан танишади 1945 йил 12 апрел куни улар оиласа қўришади А. Қаҳҳорининг бундан кейиниг чорак асрлик ҳаёти, ижодий фаолияти, қувончли ва ташвишили кунлари мана шу ажойиб садоқати, фидойи асл, моҳир таржимон билан кечади адаб шу асл кўлида жон беради Кибrie Қаҳҳорона «Чорак аср ҳамнафис» китобида А. Қаҳҳор билан кечади кунларини батаги иш ҳикоя қилиб берган

Қарани И Каримов Армон «Ёзувчи» 1998 йил 18 марта

Қаҳҳорининг Сталин вағфотидан копартия XX сенатидан кейинги ўн йилдан ортиқроқ ҳаётни ва ижодий фаолигити коят сермиҳула ва самарадор бўлди Шахстагигина, мустабид смесатининг таниқид остига олиниши, мамлакатда қисман демократияга йул берилиши туфайли Абдулла Қаҳҳор тенгдошлиари орасида ҳаммадан кўпроқ ўзини эркин ҳис чо боилади Ўзбек ҳалқининг, хусусан, миллат қуичилигини ташкил этган нахтакор дэҳқоннинг ишоре аҳволи, пахта далаларида одамларининг қийналаётгани, аёлларининг майиб бўлаётгани, болалариниг начоқ бўлиб ўснётгани ҳақида бонг уради «Мавсумда бир неча тоғиҳ нахтанинг бигиталаб териш, шунчак юқиғ бўйинча осиб, неча юзлаб километр иўл босиш учун афсонавий Рустамнинг ҳам қуввати етмайди» дейди адаб ва маға шу юмушини қишилоқдаги ўзбек аёли адо этаётганидан надоматлаар чекади Руслаштириши смесатининг похуни оқибатлари – «кўпигина оиласларада болалар ўз она тилисини муглақо билмаслиги», бу ҳол «ота – онани заррача ҳам ташвишига солмаётгани», «баъзи бир оиласлаarda бола ўз она тилисида гапиргани номус қилаётгани», шу нарса «интернационализм» деб агалаётгани ҳақида 60 – йилларда даингал гапириш – бу ҳазилакам или эмас эди Эл – юрт, миллат, миллий адабиет, она тилининг соғлиги йўлидаги жонбозликлари, адабиетдаги ҳалтурата қарши чиқишилари, бу борада ёзувчиликка даъвогар энг юксак мартаబадаги шахсларни ҳам аямаслиги – чилдан – да катта жасорат эди. Абдулла Қодирий таваллудининг 70 йиллигига бағишилаб ўтказилган анжумандада сўзлагани нутқи. Қодирий каби буюк сиймоларни баҳолашда «культ даври қоқиб кетган темир қозиқ атрофидан йироқ кетилемаетгани» хусусидаги аччик истеҳзоси, ўзининг 60 енглик тантанасидаги нутқи, Республика раҳбарияти қаршисида туриб айтган: «Яқин дўстларим мени аяб – авайлаб «Сен ганини унча келиштирилмайсан, солдатга ўхшаб ер тениб, чест бериб гапирмайсан», дейишади Тўғри, мени чест бериб гапирмайман, чунки солдат эмасман» сўзлари, улкан анжумандада Мильчаков деган кимса ҳақидаги ўта кескин гани бутун мамлакатни ларзага соглан эди 50 – йиллар шароитида рус кишиси, раҳбар ҳодим Езувчилар Союзи партия ташкилоти секретари Мильчаковни «ўзбек ҳалқининг жаллоди» деб аташга журъат этиши аждаҳо комига ўзини тутгиб бериш билан баробар эди Абдулла Қаҳҳор бунга журъат эта олди Кейинги тақдикотлардан маълум бўлди. бу қабиҳ кимса 40 – йиллар охири, 50 – йиллар боиларида ўнаб ҳалол истеъдод соҳибларининг қатагои этилинига бевосита алоқадор бўлган экан.

Бундай шижаот, журъат республикадаги маънавий, адабий ҳаётга қанчалар таъсир кўрсатгани, ўнаб ижодий зиёлилар кўзини очгани, хусусан ёш истеъоддорлар кўнглига ўғ соглати, мустабид ҳукмдорларни эса ҳушиёр тортиграни, талласага соглати ҳеч кимга сир эмас Қаҳҳоршундай шижаоти, ҳақ сўзи, шахсий иброти билан вижданоли. чин истеъодод соҳибларини худди оҳанрабодек ўзига торғди Ўша кезлари Қаҳҳор атрофида О. Екубов, П. Қодиров, Ҷ. Воҳидов, А. Орипов, Ў. Ҳонимов, Ш. Ҳодамирзаев каби ўнаб еш истеъодлар, М. Қўйшконов, О. Шарағиздиновдек стук адабиётшунос – тақдидчилар ўюшган эди. Қаҳҳор миллий адабиетдаги соғлом кучларининг раҳнатносига айланди У адабиетда пайдо бўлган деярли ҳар бир янги истеъодод билан езилган асарларни ҳимоя

жамо чиқди, сиаарга мисалхатлар бериб турди. Гарихининг туб бурилини шектайтида унининг босиб ўтган ижодий йўлани мардана турив сарҳи об кичи олди. Утмишида йўл юйған хагомларидан сабоқлар чиқари билди. Хагомларини тузатинига жатиб этиди. Бир вақтлар Чулон ҳақида анча кескин ганкадин фикр айтган эдий яди уни «зўр талин эгани» деб атайди. Бир вақтлар унинг назарида «у зини миллати ҳомийси. Миллатни деб атаган сир гўрун ватан ҳоинлари» этидиларда миллатининг ватанинни чин фарзандлари сифатида баҳоланди, адаб куюнчаклик билан уларни оқлади, юзага чиқарип ҳақида сўзлайди. Ешлар асарларидаги янгича талқинлар гарчи адабибир вақтлар узи имал қилиған ювий ақидаларга зид келса ҳам адолат юзасидан еш муаллифларни ҳимоя қиласди. Бир мисол, П. Қодировининг «Уч илдиз» романидаги худди «Сароб»даги каби студентлар ва зиёлилар ҳаётин қалонча олиниган Бироқ бу ерда шемлиларининг тақдиди тамомила бошқанди талкин этилган. «Уч илдиз» муаллифи бундай бошқачаликни Абдулла ака Қаҳбул қуллармикинлар. Деган хавотирда юрган. 1957 йили роман қўлзомаси муҳокамасида эса Абдулла Қаҳҳор «Анча виқтдан бери мен ўйбек адабиетидаги момақалдироқ гулдуросини эшиштмай юрган эдим. Назаримда, мана шу асар адабиётни ша момақалдироқдай гулдурос солиб, чақмоқдай ялатидааб кириб келяпти», деган романни юксак баҳолаган. Бу хилдаги мардинаннинг — ҳарракатлар ижодкорларининг бу одамга иисбатан эҳтиромини янада оширган.

Абдулла Қаҳҳор бу йилларда бадиий ижодда ҳам ўзгаларга нбрат бўйларли фаолият кўрсатди. Малъавий ҳаётда бурилини юсаган 1956 йили «Минг бир жон», «Тўйда аза» ҳикоялари чиқди, сўнг бирин — кетин «Даҳшат», «Мажмала», «Нурули чўқиқилар» эълон этилди. Булар миллий ҳикоячиликимиз ривожига янгича рух, қудратли тўлкин олиб кириди. Адабининг 1958 йили езиб тутагтган «Синчалак» қиссаси катта давруре қозонди. 1962 йили «Тобутдан товуни» сатирик комедияси, 1965 йили «Ўтмишдан эртаклар» автобиографик асари майдонига келди. 1966 йиль 25 декабрда қоғозга туширилган бир мақолосида «Ляжонларим» деган бир комедия сизгани, бир неча йилдан бери тўхтаб ётган «Зилзила» номини новестини давом эттироқчи экани, икки ёшлиниг ўғда куймайдиган ва сунда чўкмайдиган муҳаббати қаламининг учига келиб ҳеч типчлик бермастетани ҳақида хабар берган эди. Адаб улуг мақсадларни дилга жо этиб катта гайрат билан ижодий ишларини давом эттирастаан бир паллада оғир хасталикка — қорасон кисалига учради, сўнг унга юрак хасталиги қушниди А. Қаҳҳор 1968 йиль 25 майда Москвадаги хастахонада вафот этиди. «Муҳаббат» қиссаси, тутанланмай қолган «Зилзила» асари вафотидан кейин эълон этилди.

Ҳасти давомидан кўн жасоратлари билан эл оғизига тушнигни эдий умри ишенида ўлимни ҳам мардана кутуб олди. Езувичининг сўнти кунларига шоҳид бўлганлар буни ҳайрат билан эслайдилар. Жумлаадан рус адабии К. Симонов шундай бўлди.

«Қаҳҳор» умуман жасоратлари, мард киши эди. Менни у ҳақида иштаганни хотираам. Қаҳҳорнинг маъна шу хисмати билан боғлиқдир.

Ағор уни вафотидан аттиги бир кун олдини кисалхонада курганини. У ажак чаш соластапнини билса ҳам ўляшни истамас ва узиганина лос

Табиатига кўра ўлум олдида ҳам учини бардом тутар эди. У кирсанотда усма – ус қўнигарни ғетиқки сўзиниб етаркан, оғир – оғир нафар олар ва қўрқувини билмайдиган нуронни чөхрасида ҳудди ер – дўстларининг истиқболига ютуриб чиқолмаганидан бироз хиёлот чеккандек бир ифода мүжассам эди.

Қаҳҳор дунедан кетасеганини билса ҳам, то жони бор экан, ўзини она – Ернин асл фарзандидек сенар эди. Бу менинг Қаҳҳор билан сунгги учранувим эди. Мен олмадан кўз юмаётган одамнинг бардом қўл спикшиларию геран нигоҳларини кўриб ҳайратда қолдим.

Қаҳҳор чин инсон эди. »

XX асрнинг улкан адиби Абдулла Қаҳҳор ана шундай умр кечирди.

II. МУТЕЛИККА ҚАРШИ ИСЁН

Абдулла Қаҳҳор хилма – хил адабий тур, жанрларда ижод этган, романлар, повестлар, саҳна, кино асарлари, фельетон, очерк, мақолалар, ёшлик чоғларида ҳатто шеърлар ҳам езган. Лекин у ҳаммадан кўпроқ ҳикоя жаҳрида шуҳрат қозонди. Замонавий ўзбек ҳикоячилигининг ривожида Қаҳҳорнинг ўрни, ҳиссаси ниҳоятда катта. XX аср янги ўзбек адабиёғида реалистик ҳикоя жаҳрининг шаклаланиши ва ривожи аввало шу адабининг номи билан боғлиқ Тўғри. Қаҳҳорга қадар ҳам айrim яхши ҳикоялар езилган. А қодирийнинг «Улоқда», Чўлпоннинг «Ойдин кечаларда», «қор кўйнида лоли», «Новвой қиз» асарлари ўзбек адабиетида реалистик ҳикоялар яратиш йўлидаги дади интилишлар бўлган эди. Қаҳҳор ана шу тажрибаларга таяниб ўзбек ҳикоячилигини юксак бир босқичга, замонавий жаҳон ҳикоячилиги даражасига кўтарди ва ҳақди равишда ўзбек реалистик ҳикоячилигининг асосчиси деган ном олди. «Абдулла Қаҳҳорнинг шундай ҳикоялари борки, уларни жаҳон новеллистик адабиётининг энг яхши намуналари билан бир қаторга қўйиш мумкин»,¹ – деб езган эди рус танқидчиси В. Смирнова.

Ташқидалиликда А. Қаҳҳор Чеховнинг шогирди, деган фикр кенг тарқалган Дарҳақиқат. А. Қаҳҳор «ҳикоячилик ҳунарининг алифбосини» ҳам, ҳикоянавислик сонгати сирларини ҳам ҳаммадан кўпроқ Чеховдан ўрганган. Буни ёзувчининг ўзи ҳам самимият билан қайта – қайта эътироф этиди. Бироқ А. Қаҳҳор Чехов миросига ижодий ёндаиди: аниқроги улуғ саннаткор ташсирида Қаҳҳорнинг ўзида мавжуд истеъод, алиб ибораси билан айтганда «қалбида тошдек кўшиб – этган» хотира, фикр, гүйгулар ҳаракатга келди, козига чиқа бошлади. Қаҳҳоргоҳо Чеховга, қолаверса бошқа рус адабиёнинг тақлидидан ҳикоялар яратишга уришиб кўрган, бироқ бундай интилишларни бирор яхши нағижка чиқсан эмас. Қаҳҳорнинг энг стук – баркамол үнкоялари бевосита ҳасстий тажрибалари, таассуротлари, езмаса, қозига туширилмаса дулмайдигин кўнгтилди. розлари ифодасидир. езувчиға тинчлик бермаган илҳом самарасидир. Езувчининг бадиий ижодга онд мулоҳазаларида «иҳом», «маҳорат» сўзлари кўп учрайди. Унингга,

¹ В. Смирнова Абдулла Қаҳҳор из ферганской долины. «Дружба народов» 1963 № 7 262-бет

адабиет кунингашини, илхом самараси туйғусиз, илхомсиз ғознаган асар чигиділмеган тұнға үхінайды – мема тұтмайды. Илхом билән маҳорат гөннігандайшына асар езувчининші қалыпдан күшиқдай отынб чиқады, асаршының үкімшілік бүлиши авторинші кигізбеконға айтағанда тұла мағизады да жуда зарур фикрі бұлғандағынан өндірілді. Асар илхом билән ғознада образзар үз – үзілдік гәвделденінде, ұтто үзининг қынадыған ишини, айтадыған гөннін езувчига айтіб, луқма солиб тұрады... Мана шу фикрлар биринчи талда Қазақстанның 30 – йиллардагы қайнақ ижодий ғаолияты, етүк ұжықтарининг түгілшіл жараесінде таналуқшылар.

Хакки сабол түгілді. Неге әнди ғозувчининг илхом тұла маҳорат билән ғознаган үйіргілған әнгі барқамол ұжықтары, хусусан үтмишдан олиб ғознаган ғовеллалары 30 – йилларнинг иккінчи ярміда майдонға келді? Бұ шунчаки Чеховдан таъсирланған, ундан үрганиш оқибаттим? Бұ ұжықтар майдонға келгандықтан әскерлік Тоталитар режим сиесати, Сталин қатаронылар, инсон ҳақ – ҳуқуқтары, шағыннан топташ авжига чиққан үйлар әнди бу даңғ Ана шундай бір шаронғта, күнілаб қаламқаптар шүро дағынни, партия сиесатини, халқдар дохьисини шарафлаб асарлар бергеттей бир паллада Қазақстанның совет воқеологияның құйиб, кечмишіңа юз үтириши, замонининг илғор кишиләрі, ижодий қаҳрамонлары қолиб, қандағайдыр кичик одамлар, қолоқ кимсалар ҳаєтідан асарлар ғозиниң қандағай изохлаш мүмкін? Езувчининг үша кезләрі яраттап бирор асарда түргідан – тұғыры дағын сиесатига ошқора мұносабат ғылғы. Қазақстан, қолаверса уннанға сағдошларидан үша кезләрі мұстабид қатароң сиесатини ошқора қоралашын күтиш үрінсіз Эжтімод бүндай фикр уннанға қасылағы ҳам келмагандыр, бүндай сиесатни у босқалар кабін тұғри деб билгандыр. Бироқ ижодий тажриба, күндан – күн адабий ҳодисалар шундан далолат берады, үлкен истеъдоддар табиатида түшүннеш, түшүнтириш қишини бұлған илохий ұжыллаталар, ұтто адібларнинг үзләрі ҳам аңглаб етмаган, Фрейд айтмоқчы, «онг ости» түйгулары бўлади. 30 – йиллари Қазақстанның кечимиң ҳақида, ҳақ – ҳуқуқи, инсонлик шағынны паймол этилаетган, хўрланған, таҳқирланған кичик одамлар, подон кимсалар ҳақида ғозшыла илхомлантирган сөхрәи күч айни шу түйғу бўлса ажаб эмас. Бундай тамойил 40 – 50 – йилларда ғознаган қатор асарларидан ҳам давом этди. Адібнинг үзи сезмаган, күтмаган ҳолда бу ұжықтар дәвр ҳодисаларига биљосита даҳлдор бўлиб чиқсан.

Яна бир күтилмаган ҳолат – бу ұжықтарнинг пафоси мохият әзтибори билән езувчи «миллатчы», «ватаан хоинлары» деб қоралған зиеллар, «кўп шеърләрі ғөшларнинг бағриға отылаган заҳарли үз» бўлди деб санаған шоир Чўлонон асарлари руҳи, қатор персонажлари талқини билән оҳангандонлар Бевосита поэтика, тасвир тарзи бобида ҳам Қазақстанның ұжықтаридан қодирий, Чўлонон илк тажрибадарларинин озми кўпми таъсири бор.

Адиб дүниега келиб, әсминнан таниб илк бор күнгілдә оғир таассурот қолдирған нараса – ҳаєтда көп тарқалған гөнгизсизлик, инсон ҳақ – ҳуқуқи, шағын, қадарининг топталишы, жаҳолат, одамлар табиатына илашған, уннанға инсонларини ичдан емирастап ору – мутеллик, фикрларидан маҳрумлик, құллик психологиясынан қарантеки, етүвчининші илк мұваффақияттада чиқкан

ҳикояси «Боңсиз одаим»деги мустақил фикрларындағы маҳрум, мүте бир кимсенинг ҳажий харктери яратылған Шундай кенинг сезувчи бүтүн ижоди давомиды бу тоиға номустақил, мүте одалар образын тақорор-тақорор мурожаат етады. Ҳар гал бу илесоний ғаиғтимоин ишлелгінг қандайдір янын бир қыррасынін очады. «Сароб»даги фәқат ота - она итні, ақын билән иш күрадиган Сорахон, «Майиз емаган хотин» ҳикоясындағы фәхнина хотинини дүнедеги эңиң шокдомон аел сапаб юрган, хотини ўйнаш устида құлға түшганды ҳам уз фикридан, сүзидан қаитмасын аңқов, вайсақи мұлла Норқұзы, «Адабиет мұаллими»дагы ўзининг билимсизлігини, савияси пастлігиппен олди - қоңды, илмийнамо мұлоҳазалар билән шиқоблашта киришадиган Бөкіжон, «Синчалак»дагы шахсий манбағати йүлида ҳар мақомға йүргелайдиган, иуқул кәттә олдида «лаббай» деб турадиган Әшон, «Мұхаббат»дагы тақдир құлуда ўйнинчоқ Марғұба - бұларнинг барчасы «боңсиз одаим»лар сиғыптида истекхозоли, қаҳрли күлгі остига олинады. Езувчи бу билән чекләнмайды Мутелик, күр-күрона итоаткорлық, құллик психологиясын табиати, уннинг туб мөхияти, манбалары, фәкейін өқибатлары устида астыойда боң қотирады. Ытмис ҳақидағы туркүм ҳикоялари, «Үтмисдан әртаклар» қыссасында иккіеңдәмә зұлм, ижтимоий тенгсизлік, үй-үкчілік, үлкәнде аяж олған жаһолат туфайли оми, мүте, итоаткор құл ҳолига тушиб қолтап қобиғ бобо, Түробжон, Сотиболди. Бобур каби шахслар образы аспида адібнинг кеттә дард, ағесус нағомат билән йүргіларған ўй - мұлоҳазалары мұхсулидир Езувчи мутелик, итоаткорлық, құллик психологиясینи фәқат милялій фәжия эмас, истибдод сиесатининг ҳосиласи, умуминсоний драма - фәжия даражасында күтәради. Езувчи фәқат машхұр ҳикояларыда. Йирик асарларидеги эпизодик лавхаларда эмас, «Сароб» билән «Қүйчинор» романлары марказий қаҳрамонлары қисмети орқалы ҳам шу фикрни ўтказади Айрим жиҳатлары билән «Клим Самгиннинг ҳаёті», «Типч Дон», «Мартин Иден», «Жараен» каби буюқ асарларни эслатувчи «Сароб» романы қаҳрамони Саидін ўз тақдирі жиловини ўзгалар ихтиерига, маккор ва ҳавфли кимсалар құлға тутқазиб құйғанлығы учун ҳам ҳалокат қохи томоннан қараша кетады, «қүйчинор»даги Сиддиқжонда ғаол онғ, мустақиллік етишмеганы учун ҳам күп сарсон - сарғарданлыкларни бөшдан кечиради.

«Бемор»даги Сотиболдининг бошға түшган күлфат - оғир қасал еттән хотини дардига даво излаб елиб - інгурислары, бу соддадил одалыннан омонат дәлдә, маслаҳатларға умид болғаб янада ҳароб, почор ҳолға тушиши; «Үгри»даги жабрдинде өзіннен пажот күтиб малсаңдорлар ҳузурида дөндіраб, дилдіраб түрішләри, ҳиммат ўрнинг тақырланиши, қамситину ҳұрлаптарға беғарқыты, «Анор»даги Түробжопининг севиқли хотини азимас сүрөвини бажо көлтире маїн ишкесизликдан гүнох ишларға құл үрниси, «Томошибое» ҳикоясында қамситишу ҳұрлаптарға беғарқылар, иихоят «Үтмисдан әртаклар»деги Бабариннан рүй берған фалокаттардан гәнгіб ўзинин йүкіттер ҳолға гүшиши, ўғылышда гүмоп қылышын отқоровул юр деса ториб, түр деса түрніб, устидан ошириб ўқ үзганида кирик қоқман жөвдірашы, сиесат учун дүкенге қамағ құйғанида очық түрган әшиқдан чиқып кетмай қынға сөвүғида гәнг қотиши - мана шундай жибранніңда, мүте.

шарор, курланган одимлар қисмати билан танишганда, бир томондан, улар холига бечуд ачинасиз, иккинчи томондан, беихтиер Чўлпоннинг:

«На фарёдинг на додиниг бор,
Нечун сен мунча сустлаудинг?
Ҳақорат дилни оғригмас,
Тубанлик мани у кетмасму'
Тириксен, ўлмагансан.

Сен – да одам, сен – да инсонсан» деган сатрлари ёдга тушади.

Айрим танидчилар «шўро ёзувчилари», жумладан, Қаҳҳорни «жадид адаблари», жумладан Чўлпонга қарама – қарин қўйишади. Бунга асос берадиган ҳолитлар йўқ эмас, албатта Бироқ шу билан баробар, шахс ёрки, ҳуқуки, мутелик, қуллик психологияси ифодаси, талқини бобида XX аср адабиетида Чўлпон анъаноларини энг изчил давом эттирган адаб айни шу Қаҳҳорнинг ўзиидир. Қаҳҳорнинг юкорида тилга олинган асарлари, персонажлари худди Чўлпондаги каби мустабид тузум шароитида инсон шаънини, қадрини, ҳақ – ҳуқуқини паймол этилишига қарши ўзига хос исендири. А Қаҳҳорга нисбатан айтилган «замонасоз езувчи», нуқул ўтмиш ҳақида ёзиб ҳикоячиликда замонга муаммоларидан узоқда турган, деган даъволовар асоссизидир.

Абдулла Қаҳҳорнинг XX аср ўзбек адабиетида реалистик ҳикоя устаси бўлиб етишиши, шуҳрат қозонини тасодифий эмас Биринчидан, Қаҳҳор кўп асрлик ўзбек адабиети реал ҳаётта кескин юз ўтирган, бу даврда Овропа замонавий жаҳон адабиети тажрибаларига таянаетган. Қодирий романлари, Чўлпон лирикаси, ҳикоялари, Фитрат, Ҳамза драмалари орқали янги йўлга тушиб олган, реализм миллий адабиетида етакчи оқимга айланниб бораётган бир паллада ижод майдонига тушди. Гарчи Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Қолаверса тенгдошлари Ойбек билан Fa�ур Ғуломлар ҳикоя жаҳрида қалам тебратган бўлсалар – да, улар истеъоди табиати, бадин тафаккур тарзига кўра бу «Жанрнинг одами» эмас эдилар Қаҳҳорнинг ёзувчи жаҳрини эмас, жаҳр ёзувшини танлайди, деган гапи бор Қаҳҳор истеъоди бадин тафаккур тарзи ҳар жиҳатдан ҳаёт ҳодисаларини ҳикоя шаклида кўрши, идрок этишига мойилдир. Гўё у ҳикоя учун туғилган эди, роман, қисса, драмаларида ҳам адабининг ҳикоя шаклини хос тафаккур шакли шундоқ сезилиб, кўриниб туради унинг роман, қисса, драмалари ўзига хос алоҳида – алоҳида эшилодар бир – бири билан боргланган ҳикоялар мажмуасидан иборат. Ҳарто йирик асарларида ҳикояга хос тафаккурдан четта чиқилган ўрниларди бадинийлик занфимилиди, баенчлилликка йўл очилиди «Сароб», «Қўшичинор чироқлари»нинг айрим ўрниларида. «Ўтминдан эргакларининг «Қўйони ҳаробалари орасида» бобида бу ҳол яққол сезилиди Ҳуллас, Аллоҳ инъом тиган истеъоди табиати Қаҳҳор зиммасига музлни адабиетимизда, реалистик ҳикоячиликниң асосчиси бўлиши масъулиятини юклайди.

Аср бошларидан ўзаклабдан бошлабдан янги ўзбек адабиети айтинавин «афсонавий сюжетлар» пайдандан қочиб, реал ҳаёт ҳодисаларидан бадин аср яратиш йўлига уттиш жан. бир мунча фурқат бу борада оқсиди Рома

Хаёт ҳодисаларини санъат, реал ҳаёт одамларини жозиёйдор бадиин обрад. Ҳарактер, қаҳрамон дарожасига кутарниш хилла қийинчилик билан кечди. Қудирий билан Чўлонон насрда биринчи булиб бурига эриши. Уларнинг насли тасвири оҳангги, жонибаси билан Шарқда донг қозонган шеъриятининг ўзг юксак намуналари билан тенгланаша олдиган чинакам санъат даражасига кутарилиди. Қудирий, Чўлонон насиридаги реал ҳаётдан олинган қаҳрамонлар қудим достон, жангномалар қаҳрамонлари китори ҳаёл кунглидан жон олди. 30 – йилларда реал ҳаётдан нусха кўчирган ҳикоянавислар кўп эди. Уларнинг етганлари ҳаёт ҳодисаларининг шунчаки копияси, беллитристик баени булиб қоғозларда қолиб кетди. Қаҳҳорнини стук ҳикоялари, улардан фарқли улароқ, қудирий, Чўлонон насли каби санъат дурданалари сифатида кишиларни ҳайратга солиб. Қаҳҳор ҳикояларида кид кўтарган, адаб иштеъоди заковоти жон ато этган Сотиболди. қобил бобо, Туробжон, Бокижон Бақоев каби персонажлар эса ҳудди тирик одамлар каби бугунгача яшаб, одамларни ҳис – ҳаяжонга солиб, ўйлантига, баҳс мунозараларга чорлаб келянти.

Реал ҳаёт ҳодисаларининг бадиий асар, муайян жанр шаклига тушшини санъат ҳодисасига айланниши ғоят мураккаб, сирли – сеҳрли жараен! Адабиёт илми шу чоққача бу борада кўп иш қиласиган бўлса – да, ҳали унинг тагига етган эмас. Бу борада тайер қолип – андоузалар ийӯқ Ҳар бир адаб уни ўзича, ҳар бир асарида ўзгача тарзда ҳал қиласиди. Шу билан баробар бу жараеннинг қонладидир умумий қонуниятлари ҳам бор. Қаҳҳор ижобий тажрибаси бу борада қимматли материаллар беради

Қаҳҳор ҳикоялари биринчи галда самиймийлиги, ишонтириш кучи билан кишини ҳайратда қолдиради. Езувчи тасвиридаги ҳамма нарса ҳаёт ҳодисаси, реал ҳаётнинг бир бўлаги, эпизоди бўлиб гавдаланади, муаллиф уларни ҳаётнинг ўзидан шундекқина кўчирниб олгандаи туюлади. Аммо бу осонликча рўй берадиган ҳол эмас, ҳикояларида акс этган ҳаёт бу реал ҳаётнинг шунчаки копияси эмас. Езувчининг ижодий лабараторияси билан танингандо ҳикояларнинг кўпчилиги реал ҳаётни асосга эта экани, улар адабининг турмушда ўзи кўрган, эпигитан ҳодисаларидан танини кишилар ҳаётидан олинганилиги аен бўлади. Бироқ, улар ҳаётнинг айнан копияси эмас. «Агар ёзувчилик турмушдан нусха кўчиринидан иборат булса, дунеда бундан осон иш бўлмас, эди, – дейди адаб. Ҳаётдан айнан кўчиришиб китобдан кўчиришлини гап. Копия копия бўлиб қолаворади. Бундай нарсалардан оригиналлик кутиб бўлмайди. Оригиналлик ҳаёт ҳақиқатини дилдан ўказиши, уни ҳис қилини, унга ўйлашиб юрган тапларни сингдириши, тилакларини қўшиб ифодалаш билан юзига келади». Зотан, езувчи ҳикояларидаги ҳаётйлик, ишонтириши кучи сири ата шунда Бундан ҳам мухими, езувчининг шу ҳаёт ҳодисаларни узига хос тарзда бадиий идрок таниши, мағзини чақиб улардан ҳилма – хил оригинал ва төран маънолар таниши – кашф этиши ҳикояларига ўзига хос жозиба баҳш итади.

Энди езувчииниши айрим ҳикояларини яратилиши тарихи билан танишайлик «Бемор»да тасвиirlантган воқеатга ўхшаш воқеани езувчи болаликда ўзи бошидан кечирган «Биз қуқонга яқин Янин қашлаорига турар эдик, – дей эслайди адаб – Онам нира – шира қоронги уйда тўлоғоқ

түнөп отар, ишқаридан ушиниң ишргаған, доддаган товушни жиитиләр әди. Янишан калға кипіләв, лекин у вактда доктор, тиббий өрдем деган гаштар бирор күннен түннің ҳам кириған әмас. Бундай кеззарда құни құйшилардан бирор кекса аел қақырылар әди. Ушиниң тажрибын момо бұлшыны шарт әмас, қарынғитининг узи киғоз әди. Биз Янишаша яқында күчиб келгап, у ерада қарынғон – уруғларими: йүк әди, шу сабаблы дадам құйши бир кампирни қақырыб чиқы Кампир келиб аям өткән уйға кириб кетди. Дадам иккөніміз қоянда үтиридик... қоронғи туынды. Мениң үйқу боса бошлади.

Енимдә үтирган дадам бирдан үрнидан түрди. Құйымни очдым Тенамда бояғи құйшыны кампир тұрар әди.

– Қалай! – деди дадам ховлиқиб.

– Қийналяпты бечора. – деди кампир ва бир оз жим қолғанидан кейин менға ишора қылды – Болага айттын, аясини дуо қылсан. ғұдакнинг дуоси ижобат бўлади

Дадам эниашиб мениң құлоғымға шивирлади.

– Худоे аямга нажёт бергии, дегин! Айт!

Дадам күркүв ва жаҳз аралаш мени қистарди... Дуо қыла бошладим, бу орада бир – икки ииғлаб ҳам олдим, кейин ухлаб қолибман. Эрталаб үйғонсам, аямнинг күзи өрибди.

Шу воқеа «Бемор»га асos бўлган. Лекин муаллиф воқеани ҳикояга айлантиришда унга қатор жиiddий үзгартыришлар кириған. Ҳикояда тасвиirlанишича, Сотибоддининг хотини оғриб қолади Сотибодди курби етган чора – тадбиirlарнинг ҳаммасини қылади; домлага ўқитади, табиға қаратади, баҳшига, кинначига құрсатади, булардан ҳеч нарса чиқмайди. Докторға қаратиш учун эса қурби етмайди. Вазият янада кескинлашади, бемор бора – бора оғирлашади. Сотибодди эса нажёт қидиришда давом этади. Баҳовиддинга нарса күтаратади, «құнглиға армоп бўлмасин» деб чилемин қылдиради, ҳатто құйшыны кампирининг «бегуноҳ ғұдакнинг саҳарда қылган дуоси ижобат бўлади» деган маслаҳатига амал қилиб, ҳар куни саҳарда түрт яшар қызычасини үйғотади ва үйқу гашлиги билан йиғлаб турған қызычага дуо ўқитиб, уни тақрорлашта маҗбур этади. Воқеа хотимаси жуда аянчли – бемор ўлади Сотибодди ўллик енидан олаёттанды қызыча үйғонади ва құйшини очмасдан одатдатыча «Худоे аямди дайдига даво бейгин», деб дуо қылади.

Қўриниб турибдики, ҳаётдаги ҳодиса ҳикояда хийла кескинлаштирилган тўлғоқ дарди туттади аёл үрнига узоқ дард чеккан аел олинган. дард чеккан аелнинг noctor ҳолати, ҳаёті сўниб бораётган беморининг аянчли рағитори таъсирчан ифодаланган. Бундай пайтда эр бопшиға тушадиган мусибатлар бирма – бир құрсатилган. Қўли қисқа ғанигузор эр нажёт йўлида қулидан келган барча чори – тадбиirlарни куради, аммо бу чора – тадбиirlарнинг ҳеч бири наф келтирмайди. Агар ҳаётда пел дардларни фориг бўлса, ҳикояда дард аелни олиб кетади. Боли дуоси билан борлиқ ҳодиса ҳикоя драматизмий олни нарадаға – фожейн нафос дарражасига кўтаратди.

Етүвчи фактни бекорига үзгартырган, уни атайин кескинлаштирилган әмас Муаллиф ҳодисаги үзгартыриш кириғастанды ҳаёт мантигига, бадният

қоңуннитига асосланған, ҳам ҳәкимдеги мөхиятни мүкаммалроқ, таъсирчанроқ оғиц пайда бўлган ۱۹۸۰-жумади ҳукм сурған шароитда умр кечирган, бошига мусибат түнгани қўли қисқа қашиниқ бир онланинг ишори аҳоридини, фожейи қисметини бутун коскинилиги билан кўрсантига муваффақ бўлган

Езувчи «Анор» ҳикоясида «Бемор»дан фарқли ўлароқ, реал ҳодисани «юмшатиш йўлидан боради «Анор» ҳикояси ҳам ёзувчининг кўргани – кечиргандар асосида вужудга келган. Ҳикояда Туробжон номи билан тасвирангани киши болалигидаги уларга қўйши бўлган. Уни Бабар деб атапшган. Авторнинг айтишича, Бабар ниҳоятда қашиниқ, укубатли умр кечирган, унинг қисқа, чексиз забун, баҳтсиз ҳаётин инсон ҳаётига ўхшамас эди, деңди қадиб. Бабарнинг бирдан – бир толеи, дунёга келиб кўргани – ўзи севган қизга ўйланганидир Аммо камбагалнинг ови юрса, дови юрмайди Бабар ҳам, хотини ҳам замони инафқатсизликлари гирдобига тушиб қолиб ҳалок бўлиб кетадилар. Бабарнинг фожиали қисмати «Ўтмишдан эртаклар»да ҳаёгда қандай бўлса шундайича берилган. «Анор» ҳикоясида эса персонаж ҳаётидаги энг қувончли воқеалар олинади. Ҳикоядаги қувончли онларнинг тасвири эса драмаларга, фожиаларга тўла. Ёзувчининг санъати, бадийи кашфиёти шундаки, ҳикояда қувончли дақиқаларда намоён бўлган драмалар, фожиалар «Ўтмишдан эртаклар»да акс этган аяничи ҳодисаларнидаги кам эмас, балкин ундан кўра таъсирчанроқ. Ган шундаки, «Анор» ҳикоясида ҳодисалар драмаси персонажлар руҳиятига кўчирилади. Қаҳҳоринингруҳият мусаввири экани айниқса шу ҳикояда ерқин намоён бўлган. Ҳикоя еш эр – хотиннинг қувончли оплари тасвиридан бошланади Туробжон бошқоронги хотини учун нарса тоғанидан ўзида йўқ хурсанд, севикил хотин олдида юзи еруғ бўлганидан мағрур. Унинг қўлда тутун билан эшиқдан ховлиқиб кириши шундан Хотин қувончи зериникидан қолишмайди, эр қўлида тутунни кўриб унга томон чопади. Аммо шу дақиқанинг ўзидаек персонажлар қувончи дарз кетади: йигит яктагининг енги зулғиниа илини йиртилади, хотин қўлидаги кели ағнаб вала туйилган жўхори ерга тўклилади. Буни кўриб хотин ҳам, эр ҳам шаштидан қайтади Ахир камбагал учун уч – тўрт ювилган қалами кўйлакнинг йиртилиши, бир кели жўхорининг ерга тўклилиши катта нарса¹. Лекин персонажлар ҳам, муаллиф ҳам ҳозирча бунига у қадар эътибор бермайдилар, булар персонажларнинг бояги қувончи олдида ҳеч нарса эмас. Эр билан хотин бир дақиқа қувонч нацидасидан баҳраманд ҳолда кўринадилар, бир – бирига эркалиқ, шўхлик қиласидилар

«Туробжон тутуннини орқасига бекитиб тегишиди.

– Акажон, дегин!

– Акажон! Жо – оп ака!

– Нима берасан?

– Умримнинг ярмини бераман!¹.

Тутунчада анор урнида асални кўрган хотиннинг қувончи шу заҳоти барбод бўлади Туробжон иса бунга ҳайрон Соддадил йитит бошқоронги аёл учун асал анор ўршини босолмаслигини тушуниб етмайди, ўзи келтирган тансиқ матоҳининг таърифини келтирган билан уни овутмоқчи бўлади. Булар

натижка осравермагат, у ҳижолатда қолади унинг кўнилидаги қуонич ҳам бароёд була бошлайди. Энди эр ҳам, хотин ҳам оғир руҳий ҳолатда бу ҳолат бора – бора кескин тус олаверади бошда тўтибор берилмаган кунгасиз ҳодисалар – йирилган енг, тўкилаган жуҳори эслади тўнадон шамарининг таъби хира тортиб турған бир пайтда тўкилаган жўхория мушук гегади, чуаллиф мушукнинг оқсоқлигини. Туробжонга қараб «мау» деб қўйиганини ёслатади, булар бояги мунгли ҳолатни бир қадар оғирлаштиради.

Шуниси характерлики, мана шу дақиқалорда муаллифиning диққат – эътибори асосан Туробжон руҳиятига қаратилади. Шундай бўлса – да. Туробжон руҳияти таҳдиди айни вақтда аел қалбига ҳам алоқадор Муаллиф Туробжон руҳиятини бевосита тасвир этади, унинг руҳиятидаги жараёнларни изчил кузатиб қадам – бақадам қайд этиб боради. Лелга кемганда унинг қалбидаги жараёнлар тағифлоти эмас, кўпроқ уларниң натижаси, энг характерли оиласи кўрсатилади, оралиқдаги ҳолатларни китобхон Туробжон руҳияти орқали сезиб олаверади. Ўша ҳодисалар гасвиридан кейин муаллиф аел ҳолатига эътиборни тортади, аел бирдан йирглаб юборади ва ўзини ўзи койишга тушади. Руҳий қийноқлар жам бўлиб аел қалбида портала вужудга келади.

Анор илинжи туфайли юз берган кўнгилсиз вазият тасвири давом этади. Муаллиф персонажлар руҳиятида кечган туйгуларниң жамики говланишиларини беришга интилади персонажлар кўнглида ҳам меҳр, ҳам алам – ўқинч, ҳам ачиниш, ҳам койиш, ҳам изтироб, ҳам зарда – бу туйгуларниң бири кучайиб, бири сўниб говланиб боради Кўнгилларда кечган димснёхликлар тилга кўчади, қочириқ таънага, таъна дашномга, дашном даҳанаки жангга айланади, оҳир – оқибат буларниң барчаси жам бўлиб ваҳшиёна куч иплатишгача бориб етади.

Руҳий жараен ифодасидаги сағъаткорлики қарангки, шу кескин драматик дақиқаларда ҳам ҳар иккала шахс қалби тубида ажаб бир меҳригиё доимо яшиш туради. Чунончи, Туробжон, аччиқ устида хотинига қарата: «Жигарларниң эзниб кетсин» деркан, шу заҳоти хотинининг аҳволини кўриб шаштидан тушади, агар иззат – нафс қўйса ҳозир бориб унинг бошини силамоқчи, ундан уэр сўрамоқчи бўлади. Еки хотин эридан қалтак етандан кейиниги ҳолатни ёслайлик У дол солиб ўзини ҳар сўқа урмайди. Хотин ранги оппок ҳолда кўзларини катта – катта очиб унга ваҳимали назар билан қарайди ва бошини чайқаб «қўйинг!.. қўйинг!..» дей пицирлайди; эри уйдан чиқиб кетгач, узоқ йирглайди, эрига қаттиқ ганирганига пуштамон бўлади, ўзини қаргайди, ўлим тилайди. Эридан хавостир солиб ташқарига чиқади.

Қаҳҳорперсонажлари қалбида кечган ишу хил нозик ва тиниз, юракни ҳон қиладиган, ғам – фуссага тұла руҳии жараенларни кўрсатар экан, бу кўнгилсизликларниң ижтимоий илдизларини ҳам очиб беради. Бу борида у реалистларга хос йўл тутади: бундай димснёхликларниң аса боиси ижтимоий идолатсизлик, тенгиси иликда эканини кўрсатади. Бирок бунда ҳам адаб ўзига хос йўл тутади. Анор хусусидаги можаро шайти хотинининг таъна – дашномига жавобан Туробжон.

«Ахыр, бошқорониң бўл, энида буд—доғ! Бир қадоқ анор фалон пул бўлса! Соҳоримардондани сув ташинб, ўтиш ериб, ўт ёқиб бир ойли оладиганим ўн саккиз ганга шу. Акам булмаса, укам бўлмаса...» дейди Анор тасвир шу йўсинга давом этиб Туробжон қўли қисқалигидан ҳасратини бирма — бир тўкиб солини, хотин ҳам унга қўшилиб кўз ёни тўкиш билан бинид бўлганида «Анор» аср бошлиарида яратилган сентиментал асарлар даражасидә қолиб кетган бўлар эди. Езуви бойнча етук ҳикояларидаги каби бу ерда ҳам персонажлар руҳиятини батофсил таффилотлар орқали эмас, орқин бадий тошила деб атапга лойиқ дегаллар орқали очади.

Персонажлар ҳолати, руҳияти, кайфиятининг ўзи табиий равишда ҳар қадамда ижтимоий масалаларга келиб туташаверади. Ҳикоядаги персонажларининг кеч киргач уйдаги ҳолати лавҳасини кузстайлек. Ёзувчи бу ерда эр ва хотин қалбидағи мунгли кайфиятни сўзсиз ҳолат ва табиат маизазаралари орқали беради. Аёлнинг индамай уйга кириши, дарча ёнида бир тиззасига бошини қўйиб осмонга қараб ўтириши, Туробжоннинг ҳам уйга кириши, хотин аҳволини кўриб тикка туриб қолини, сўнгра дарча енига ўтиришила қанчадан — қанча мунг, дара мужассам! Дарчадан тушган шуъланинг хирадиги, осмоннинг қорамтири — кулранг тусда экани, чироқнинг пихиллаб ениши, унинг атрофида катта бир парвонанинг айланиб туриши, шифтнинг қаерилир «қирс» этиши, қаердадир калтакесакнинг чирқиллаши, осмондаги хира юлдузлар, мачитдаги кекса бақатерак орқасидан кўтарилган қизигин ўт, унинг кўкка оловли из қолдириб жуда юкорилашуви ва гўе осмонга урилгандай чилларчин бўлиб «пўп» этиб сўниши — буларнинг ҳаммаси юракни қон қиласар даражада мунгли, ҳазин.. Бир неча дақиқа «тургунлик»да қолган руҳий ҳолат яна ҳаракатга келади, кўкда оловли из қолдириб «шўй» этган ўт Туробжон хаёлини ўзига тортади. У бирдац тилга киради.

